

НУРАЛИ ҚОБУЛНИНГ “СУКУТ СУИҚАСДИ ЁХУД СТАЛИНДАН САДДАМГАЧА” НОМЛИ РОМАН-ПАМФЛЕТИДА ЭПИГРАФ ВА ИЧКИ КОМПОЗИЦИЯ МАСАЛАСИ

Юсупжанов Элёрбек Усмонали ўғли

Фарғона давлат университети Мустақил тадқиқотчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7528085>

Аннотация: Тезисда тадқиқот объекти бўлган асарнинг ташқи композициясида эпиграфнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилади. Эпиграфнинг боб ички композициясига таъсири, ички композициядаги ровий нуқтада автобиографик маълумотлар, тарихий воқеалик тасвири каби таркибий қисмлар таҳлил давомида илмий асосланади.

Калит сўз ва иборалар: эпиграф, сарлавҳа, образ, тарихий шахс, ички композиция, ташқи композиция, киритма усул, ровий нутқи.

Маълумки, таниқли рус адабиётшуноси Натан Давидович Тамарченко масъул муҳаррирлигидаги назарий китобда эса “композиция” атамасини турлича тушуниш ва қўллашдан фарқли равишда у барча ўринларда асардаги турли таркибий қисм ёки парчаларнинг ўзаро муносабати ёки мувофиқлигини англатиши кўрсатилган. Шунинг учун тадқиқотчи асар таҳлили жараёнида гап қайси қисм ёки компонент устида бораётганини аниқлаши лозимлиги таъкидланган [1, 210]. Бу фикр тўғри, аммо ҳар қандай асардаги боб, бўлим ёки асар қисмининг ҳам ички композиция борлигини ёдда тутиш лозим бўлади. Масалан, “Сукут суиқасди ёхуд Сталиндан Саддамгача” асарининг “Марксни ўқиган Чингизхон ёхуд тўк ит овга ярамас, оч баччағардан қоч баччағар” дея узун сарлавҳа қўйилган тўртинчи бобида жамият бошқарувида интеллегенциянинг ўрни, жамиятни маънавий тараққиётга етакловчи тафаккур қилувчи, онгли қатламга қилинган зуғум давлат бошқарувида яккахокимликка олиб келишини таъкидламоқ мақсад қилинган. Бунинг учун бобнинг ичида алоҳида нисбатий мустақилликка эга композиция мавжуд. Боб экспозиция вазифасидаги қуйидаги парча билан бошланади: “Инсон аталмиш яратик шундай. У китоб ўқиса, изланса ва билмаганини ўрганишга интилса, фикрлайди, тафаккур этиб, тўғри бир қарор қабул қилиш салоҳиятига эришади” [2, 47]. Ровий мазкур нутқи орқали мазкур бобда илгари сурадиган нуқтаи назарида миллат ойдинлари тақдири, китоб мутолааси ва киши ўсиб, улғайиши учун тафаккур қилиш нақадар муҳимлиги етакчилик қилишини кўрсатган. Аслида бу фикр бобнинг эпиграфида ҳам берилган. Хусусан, биринчиси қуйидагича бўлиб, унинг муаллифи “Ален” деб кўрсатилган: “Ёвуз кишиларнинг кучи шундаки, улар

ўзларини яхшиман деб ҳисооблашади. Сиёсатдаги шуҳрат – ноҳақлик учун мукофот”. Инглиз отасўз(мақол)идан олинган иккинчи эпиграф янада аниқроқ ифодаланган: “Киши ўлгандан сўнг у ҳақдаги ҳақиқат айтилади” [2, 47]. Биринчи эпиграфда етук сиёсатчилар китоб ўқишлари, ундан олинган билимларини ўзларининг ёвуз ниятлари йўлида, кишиларга зулм қилишда уларни оч қолдириш, бир умр оддий кундалик эҳтиёж моллари топиш учун ҳам тинимсиз ишлашга мажбур қилиш, уларни кўрқитиш орқали жамиятни бошқаришда қўллашларига ишора бор.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, эпиграф, сарлавҳа, асар кимга бағишлангани, ёзилгани санаси каби қисмлар қаторида асар ташқи композициясини ташкил қилади. Демак ёзувчи ташқи композициянинг элементларида ички композициясининг асосий ғоясини бадий ифодалашга ҳаракат қилиб, сюжет композициясидаги ғоявий мазмунга ишора этган. Натижада ташқи ва ички композиция ягона структурага бирлашади.

Бобнинг ичида, демакки, ички композицияда кичик ҳажмли бир нечта ҳикоя, ривоя тарзидаги асарлар ҳам борки, улар киритма усул орқали боб композициясига сингдирилиб, ровий нутқида баён қилинаётган асосий ғояни очиб беришга хизмат қилади. Ана шулардан бири Солижон ака ҳақида воқеа бўлиб, унда Солижон аканинг донороқ гап айтгиси келишини, Шерали Жўраевнинг қўшиқларидан икки мисра келтириши, аслида бу мисралар Махтумқулига тегишли бўлиб, Солижон ака китоб ўқимаслиги, “унинг учун илм, китоб ўқиш мана шу – ҳаёти давомида эшитган қўшиқлари” эканлигини киноявий тарзда қайд этилади. Демак, шу ўринда ёзувчи композиция ифодасида киноявий усулдан фойдаланган. Персонаж сифатида Соли ака ўзи айтаётган гаплар ҳофизники эмас, балки Махтумқулига тегишли эканлигини, ҳофизни уни куйга солиб қўшиқ яратганини теран англамаслиги, болаларига яхши бўл, дея насиҳат қилишдан нарига ўтмаслиги, аслида бугунги болаларга китоб ўқиш, жамиятда етук киши бўлиш учун ота ўзи ўртак бўлиши шартлиги кўрсатилган. Шу ерда ровий нутқида жамиятни кишиларни оч қолдириб бошқариш ҳақидаги манфур тутимни келтирадида, ўзи болалигидаги, аниқроғи, 1962 йилларда ҳам мактабга оч келадиган болалар борлигини, аниқ воқеа асосида баён қилади. Шу ерда фикр-мулоҳазаларини аниқ воқеа асосида исботлади. Мактабга бориб, уйдан олиб борадиган яримта нон ва майизни уйдан оч келадиган ўртоқларига бериши, ўзи эса оч уйига қайтишини таъкидлаб, 1- май куни Ўснатда ўтказиладиган байрам ҳақидаги воқеага уланиб кетади. Мазкур баёнлар таг замирида кишилар

оч яшашлари, ҳақ-ҳуқуқлари поймол бўлишини билган ҳолда, урушдан бунданда қаттиқ очарчилик бўлганини эслаб, ўзларига таскин беришлари, ўзларини бахтиёр ҳис этишларини келтиради. Ровийнинг нуқтаи назарича, "... бу пайтда халқлар онгига худою пайғамбар сифатида сингдирилган доҳийнинг ўлганига ўн йил бўлган, у юритган сиёсат бўйича халқ тўқ яшаши керак эди" [2, 49] Шу ерда муаллиф Сталиннинг «тўқ ит овга ярамай»ди қабилида иш юритгани, сунъий очарчилик уюштирилиб, одамлар Украинада очликдан ўлдирилгани эса олинади. Ёзувчи мазкур воқеаларни қуйидаги ягона ғоя, ўзининг аниқ нуқтаи назарига бўйсундириб шакллантиради: "Диктатура, яккаҳоқимлик сиёсатда ўзини оқламайдли. Бироқ иқтисодда, халқнинг қорни учун қайғурувчи қатламларига маъқул келади" [2, 50] Дарҳақиқат, фуқаролар оч қолдириш орқали мамлакатни бошқариш усули мавжуд бўлиб, бу диктатура, авторитар бошқарувнинг шаклларида саналади. Аён бўладиги, муаллиф ана шу фикрни исботлаш учун бобнинг ички композициясига ўзининг бошидан кечирган воқеаларни, яъни автобиографик маълумотларни ҳам киритиб, сюжет линиясига ранг-баранглик олиб кирган. Бу эса асардаги воқеалар ривожини, муаллиф нуқтаи назари ўсиб боришида ўзига хос аҳамият касб этади. Чунки колхозлаштириш, сўнгра қатоғон йиллари, уруш даври кишиларни иложсизликдан жим юришган, ўзлари истайдими йўқми, унга ишонишларига мажбур этилганини баён этади. Инсон эрки, сиёсатдаги хатоликлар, қийинчиликлар ҳақида юрак ютиб оғиз очишга лойиқ киши қолмаган эди.

Муаллиф бобнинг ички композициясини ўзининг нуқтаи назари билан бойитиб борар экан. Баён услубига Иосиф Сталин ва таниқли авиаконструктор, Як туркумидаги самолётлар муаллифи Яковлев билан боғлиқ сюжет линиясини ҳам киритган. Боб ички композициясига киритилган ушбу линиянинг бошида «6 октябрь 1941. Кремль. Авиаконструктор эшикни очиб кирганида Сталин китоб ўқиб ўтирарди» деган бадий информация келтирилади [2, 51]. Бу ерда Сталиннинг мутолаа билан бандлигини кўрсатган. Сўнгра китобни бир четга қўйиб, одатий тарзда салом-алик қилишгач, меҳмонни ўтиришга таклиф этади. Тасвирда Сталиннинг китоб ўқиши, доимо изланишини кўрсатса, бу изланиш, китоб ўқиш аслида қўли остидагиларни бошқаришга, бошқалардан устун туришини таъминлашга хизмат қилиши сал кейинроқ баён этилади. Чунки олиб бораётган сиёсати қандайлигидан қатъий назар, давлат ва жамиятни бошқариш, қатор академик, олиму конструкторлар билан гаплашиш учун ҳам билим керак. Шундан сўнг муаллиф лирик

чекиниш қилади ва қуйидаги парчани киритади: «Одатда, ҳукмдорлар яхшилиқни раво кўрсалар ҳузурларига чорлайдилар. Гумдон қилмоқчи бўлсалар, дуч келган шотирига имо қилса бас. Жаннату дўзах путёвқасини бирга қилиб асфалософилинга жўнатади. Бироқ Сталиннинг бу хусусида ўзи ўйлаб топган шундай маккор, ўзига хосу мос усуллари бор эдики, етти ухлаб тушингга кирмайди». [2, 51] Бу ерда Сталиннинг сиёсий портретига чизгилар берилляпти, унинг характери, ёвузлиги таърифланяпти.

Умуман олганда, Нурали Қобулнинг “Сукут суиқасди ёхуд Сталиндан Саддамгача” номли роман-памфлетида ёзувчи ташқи композициянинг эпиграф қисмига ҳам катта урғу берган. Шунингдек бобнинг ички композициясида турли хил усул ва воситалардан самарали фойдаланган. Натижада асар бадиий-публицистик жиҳатдан етук асарга айланган.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Теория литературы. В двух томах. Том 1. Тмарченко Н.Д., Тюпа В.И., Бройтман С.Н. Теория художественного дискурса. Теоретическая поэтика. – Москва: Академия, 2004. – 252 с.
2. Қобул, Нурали. Сукут суиқасди ёхуд Сталиндан Саддамгача. Биринчи китоб.– Тошкент: Адабиёт учқунлари, 2018. – 288 б.